

# Ўзбекистон – ислом цивилизацияси маркази

## маънавий-маърифий, илмий-адабий журнал

### Муассис:

Ўзбекистондаги Ислом  
цивилизацияси маркази

### МУНДАРИЖА

#### Таҳрир ҳайъати:

Шайх Абдулазиз МАНСУР  
Акбар ҲАКИМОВ  
Шоазим МИНОВАРОВ  
Жаннат ИСМОИЛОВА  
Шовосил ЗИЁДОВ  
Фирдавс ХАЛИМОВ

#### Бош муҳаррир

#### Муҳаррир

#### Масъул котиблар

#### Саҳифаловчи дизайнер Соҳибхон ЗОКИРОВ

Ўзбекистон Республикаси  
Матбуот ва Ахборот агентлигида  
0987-рақам билан рўйхатга  
олинган.

Матнларда фойдаланилган кўчир-  
ма ва маълумотлар аниқлиги учун  
муаллифлар жавобгардир.  
Журналдан кўчириб босилганда  
манба қайд этилиши шарт.

Манзилимиз: 100002, Тошкент  
шаҳри, Қорасарой кўчаси, 47- уй.  
Телефон: (+99871) 227 15 48.  
Веб сайт: [www.cisc.uz](http://www.cisc.uz),  
э-почта: [info@cisc.uz](mailto:info@cisc.uz)

Журнал андозаси таҳририятнинг  
компьютер бўлимида тайёрланди.  
Босишга 17.09.2021 й. рухсат этилди.  
Қоғоз бичими 60x84. 1/8. Ҳажми: 8  
нашр табоқ. 8 босма т. Адади 500 дона.  
Буюртма №  
ISSN 2181-9661  
«SAYDANA-PRINT» МЧЖ босмахо-  
насида чоп этилди. Тошкент шаҳар  
Қамарнисо кўчаси 3-уй.  
e-mail: «saydana-print»@mail.ru  
Тел.: (99) 862-08-43

Маърифат ва диний бағрикенглик — тинчлик ҳамда тараққиёт асоси .....	2
Н.Муҳамедов. Ўрта асрларда шовҳда ҳадис илми ва муҳаддислар фаолияти .....	5
М. Хужаев. Хўжа Аҳмад Яссавийнинг шажараси ҳақида бир тадқиқот шарҳи.....	10
Ф. Ҳалимов. Мотуридийлик таълимотининг илмий аҳамияти.....	13
Ж.Жўраев. Саййид Ҳомид тўра комёб ижодида яссавийлик тариқатига муносабат масаласи.....	17
Ҳ.Салиев. Усмон Мусҳафи тарихига оид маълумот.....	21
Ж.Маҳмудов. Паҳлавон Маҳмуднинг адабий мероси .....	27
I.Bekmirzaev. Shurut tradition in the classic mawarannahr hanafi school.....	31
З.Исҳоқова. Ҳақим Термизий ва Хожа Баҳоуддин нақшбанд ўргаларидаги илоҳий ришта .....	37
م. حيدروف الأسرة والقيم في ضوء مشكلات المجتمع المعاصر .....	42
А.Ганиев. Kharaj collection system of the Bukhara emirate right before the take-over by the russians .....	46
Б.Анварова. Знаменитые мусульманки Узбекистана и их роль в истории ренессансов .....	49
З.Зинатуллаев. Марказий Осиёдаги биринчи ренессанс даврига оид араб ва форс тилларидаги манбаларни ўрганишнинг долзарблиги .....	52
И.Ибрагимов. Абу Райҳон Беруний ва унинг фалсафаси.....	57
Т.Низомов. Буюк фақиҳ ва беназир аллома.....	61
Ж.Турдиев. “Меърожнома”нинг туркий тилдаги таржимаси тўғрисида.....	64
Я.Абдурахманов. Ўзбекистонда вақф: тарих ва замонавий талқинлар .....	67
С.Ғайбуллаев. Паздавий алломалар сулоалари қолдирган илмий мероси.....	74
Д.Нурмуҳаммад. Ҳайсам Кулайб Шошийнинг шахсияти ва илмий мероси.....	77
З.Сабирханова. Научная деятельность исламоведа академика А.Э. Шмидта в Узбекистане .....	81
М.Хушвақов. Абул Баракот Насафийнинг “Умдатул ақоид” (“ақида асослари”) асарига ёзилган шарҳлар.....	83
Аждодлар сабоғи – ақл қайроғи .....	86

Замирахон ИСҲОҚОВА

Наманган давлат университети доценти,  
фалсафа фанлари номзоди

## ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ ВА ХОЖА БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ЎРТАЛАРИДАГИ ИЛОҲИЙ РИШТА

**Аннотация.** Мақолада Марказий Осиёда тасаввуф илмининг ёрқин вакиллари Ҳаким Термизий ва Хўжа Баҳоуддин Нақшбандийнинг тасаввуфий қарашлари, хусусан валийлик ва унинг даражалари, тасаввуфда озодлик масалаларига алоҳида тўхталиб ўтган. Шунингдек, ушбу икки тасаввуфий йўналишнинг муштарак ғоялари ҳамда фарқли жиҳатлари батафсил ёритилган бўлиб, бу ўз ўрнида мақоланинг мазмунли бўлишида катта аҳамият касб этган.

**Аннотация.** Статья посвящена суфийским воззрениям Хакима Термизи и Ходжи Бахауддина Накшбанди – ярчайшим представителям суфизма в Центральной Азии. В частности, вопросам святости и ее степеням, вопросам свободы в суфизме. Также подробно описаны общие идеи и различия этих двух направлений суфизма, что в свою очередь позитивно повлияло на содержательность статьи.

**Abstract.** The article is devoted to the Sufi views of Hakim Termizi and Khoja Bahauddin Naqshbandi, famous representatives of Sufism in Central Asia, in particular, the master (vali) and its levels, issues of freedom in sufism. The general ideas and differences of these two directions are also described in detail, which in turn played an important role in the content of the article.

**Калит сўзлар:** тасаввуф, Ҳаким Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Мовароуннаҳр, каромат, тариқат.

**Key words:** sufism, Hakim Tirmidhi, Bahauddin Naqshband, Mavaraunnakhr, miracles, sufi orders.

**Ключевые слова:** суфизм, Хаким Термизи, Бахауддин Накшбанди, Мавераннахр, каромат, тариқат.

Тасаввуф манбаларида Баҳоуддин Нақшбанднинг увайсий (Аллоҳ йўлига кирган ва тариқатда пири бўлмаган солиқни пайғамбар ёки машойихлардан бирининг маънавий-руҳий тарбияти) эканлиги эътироф этилган. Алишер Навоийнинг зикр этишича, Баҳоуддин Нақшбанд ўз таважжухларини тариқат машойихлари ва улуғларига, жумладан, Ҳаким ат-Термизий руҳониятига қаратганлар: «ҳар қачон қудват ул-авлиё Ҳожа Муҳаммад Али Ҳаким Термизий руҳига таважжух воқеъ бўлур эрди ва ҳар неча ул таважжухда сайр воқеъ бўлур эрди, ҳеч асаре ва гарде ва сифате мутолаа тушмас эрди»<sup>1</sup>. Бу таважжухнинг асари соф бесифатлик ҳолатида бўлиб, Баҳоуддин Нақшбанд бу ҳақда «биз Ҳаким Али Термизий тариқатига эргашамиз ва улар бесифат эдилар. Агар бирор киши билса

мен ҳам бу замонда (таважжухда – З.И.) бесифатдурман»<sup>2</sup> деганлар.

Бесифатлик руҳий камолотнинг мукамал мақоми бўлиб, унда сифат, миқдор, меъёр, вақт каби боғланишлар бўлмайди, яъни ўша ҳолатда башарий белгилар ўрнини руҳият эгаллайди. Бу ҳолат валий ҳолининг мукамаллиги ва олий даражага эришганини англатади. Бесифатлик мартабасидаги валий тамкин аҳлдан бўлиб, барча илоҳий сифатлар билан сифатланган, раббоний хулқлар билан безанган, ботинини тасарруф этган бўлади. Шунинг учун уни «вақтнинг отаси» дейилган. «Мақомот» да Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг йигирма икки йил мобайнида Ҳаким Термизий тариқатига эргашиб, бесифатлик ҳолатида бўлганликлари қайд этилган.

Ҳозирги таҳликали дунёда, турли низо ва

1 Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. – Б. 85.

2. Муҳаммад Боқир. Баҳоуддин Балогардон. – Б. 32.

адоватлар ҳали барҳам топмаган мураккаб бир вазиятда Баҳоуддин Нақшбанднинг миллати, тили, динидан қатъий назар – инсонни азиз ва мукаррам билиш, ўзаро меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват муҳитини қарор топтириш, етим-есирларнинг бошини силаш, муҳтожларга ёрдам бериш каби эзгу даъватлари долзарб аҳамият касб этмоқда<sup>1</sup>.

Нақшбандия тариқати «мустаҳкам тутқич» бўлиб, инсон камолоти учун хизмат қилган, таркидунёчилик қилмай, дунёвий ишлардан юз ўгирмасдан ҳам Аллоҳга етиш мумкинлигини амалда кўрсатиб берган, тасаввуфнинг ислом оламида кенг тарқалишига замин бўлган.

Нақшбандия тариқатининг диний-тасаввуфий, фалсафий-ирфоний асослари термезлик аллома, тасаввуфнинг йирик вакили Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Термизий (ваф. 296/908 й.) таълимоти билан муштаракдир. Жумладан, тариқатнинг тавба, вараъ, зуҳд, фақр, сабр, хавф, ражо, таваккул, ризо мақомлари, пир-муршидлик муносабатлари, зикр тартиб, мезонлари, муриднинг одоб-ахлоқ қоидалари, шунингдек, тариқат мақомлари Ҳаким Термизийнинг таълимоти низоми асосида ишланган. Айниқса, валийликка доир масалаларда унинг асарларидан иқтибослар келтирилиб, ғоявий манба сифатида фойдаланилган.

Ҳаким Термизий нубувватнинг қирқ олти жузъдан иборатлиги ва бу анбиёларга хослиги, кимдаки ундан бир ёки икки жузъ бўлса, авлиё мақомига етишини таъкидлаган<sup>2</sup>. Асарнинг тўртинчи фаслида («Рухоний саволлар») муаллиф авлиёликни даъво қилаётган кишиларнинг авлиё эмасликлари, уларнинг даъволари ҳақ ёки ноҳақлигини аниқлаш учун 157 та савол тузган ва уларга батафсил жавоб берган. Жумладан, «Анбиёлардан бўлмаган одам анбиёлардан устун бўлиши мумкинми?» деган саволга «Набийнинг пайғамбарлиги ва мақоми туфайли ҳеч бир набийдан ҳеч бир шахс афзал бўла олмайди»<sup>3</sup> деб жавоб берган. Ҳаким Термизий

1. Каримов И.А. Буюк алломага эҳтиром. Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳида ўтказилган тантанали маросимдаги сўз. 2003 йил 27 ноябрь / Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ, Т. 12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – Б. 47.

2. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳаким ат-Термизий. Хатм ул-авлиё. 14-фасл. Башорат. – Б. 49.

3. Зарринқўб А. Хуросон сўфийси / Жўстужў дар тасаввуфи Ирон. – Техрон, 1978. Форс тилидан Р.Абдуллаев таржимаси. Сино (Техрон), 2003. – № 10. – Б. 33.

«Аллоҳнинг валийлари ернинг таянчидир»<sup>4</sup> дейди, яъни валийлар Аллоҳнинг раҳматидан озуқаланган, унинг метин кўрғонидан ҳимоя топган, паноҳида муҳофаза этилган, лутфи билан тарбият топган ва сир-асрорига хос қилинган, шунга кўра, валий ернинг таянчи ҳисобланади.

Ҳаким Термизий валийларни валий сидқуллоҳ (сўфийлар бу даражага шарият ва тариқатнинг барча талабларига риоя қилган ҳолатдагина эришадилар) ва валий миннатуллоҳ (бу мартабага сўфийлар Аллоҳнинг инояти, илоҳий ишқ билан эришадилар) деб икки гуруҳга ажратган<sup>5</sup>.

Ҳаким Термизийнинг валийлик ва валоят ҳақидаги қарашлари кейинги мутафаккир, шайх ва олимлар учун асос бўлиб хизмат қилган.

Алишер Навоий зикр этишича, “ферузаранг тўққиз фалакнинг яғонаси”, “валийлик қутбининг фалаги” Баҳоуддин Нақшбанд ўз таважжухини тариқат машойихлари ва улуғларига, жумладан, Ҳаким Термизий руҳониятига қаратган: “ҳар қачон қудват ул-авлиё Ҳожа Муҳаммад Али Ҳаким Термизий руҳига таважжух воқеъ бўлур эрди ва ҳар неча ул таважжухда сайр воқеъ бўлур эрди, ҳеч асаре ва гарде ва сифате мутолаа тушмас эрди”<sup>6</sup>. Бу таважжухнинг асари соф бесифатлик ҳолатида бўлиб, Баҳоуддин Нақшбанд бу ҳақда “биз Ҳаким Али Термизий тариқатига эргашамиз ва улар бесифат эдилар. Агар бирор киши билса мен ҳам бу замонда (таважжухда – З.И.) бесифатдурман”<sup>7</sup> деганлар.

Ҳаким Термизий валийга таъриф берар экан, унинг икки хусусиятига алоҳида эътибор қилади: улардан бири тўла озодлик (озодлик деганда, Ҳаким Термизий нафсдан озод бўлишни назарда тутати – З.И.) бўлса,

4. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳаким ат-Термизий. Манозил ул-ибод мин ал-ибода. – Т.: Мовароуннаҳр, 2003. – Б. 19.

5. Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – М.: Алетея и Энигма, 2000. – Б. 164.

6. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма жилдик. 17-жилд / Нашрга тайёрловчилар: С.Ғаниева, М.Мирзааҳмедова. Арабча ва форсча матнларни таржима қилиб, нашрга тайёрловчи ва масъул муҳ. С.Рафиддинов. – Т.: Фан, 2001. 85-бет.

7. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон / Форсийдан таржима, сўзбоши ва луғат муаллифи Маҳмудхон Маҳдум Ҳасанхон Маҳдум ўғли. – Т.: Ёзувчи, 1993. 32-бет.

иккинчиси мажзублик, яъни илоҳий жазбадир.

Озодлик деганда, у нафсдан озод бўлишни назарда тутлади. «Кимдаким нафсоний сифатлардан бир сифат олган бўлса, у озод эмас, бундай одам шундай мукотаб<sup>1</sup>га ўхшарки, агар унда хўжасининг бир дирҳам ҳақи қолса ҳам, у озод эмас, балки шу бир дирҳамнинг қулидир. Аммо агар у қарздан батамом қутулиб, озод этилган бўлса, ундай одам мажзубдир. Чунки Ҳақ таоло уни нафс бандалигидан озод этгандир, Худо уни ўзига жазб этиб (тортиб), буткул озод этган бўлади. Бас, у ҳақиқий озоддир. Бундайлар ижтибоъ (танланган) қавмдирлар ва мажзубдирлар»<sup>2</sup>.

Нақшбандийлик тариқатида ҳам валийлик даражаси иккига бўлинади. Биринчиси, муршид тарбиясида, риёзат чекиб, қалбини поклаш орқали валийлик даражасига етган бўлса, иккинчиси Аллоҳ Ўзи тарбия қилган кишилардир. Уларни мажзублар дейилади. Ҳақим ат-Термизий жазбага алоҳида аҳамият беради. Унинг фикрича, набийларни Аллоҳнинг танлайди, валийларга эса жазба ато этади, яъни Ўзига тортади, яқин қилади, Ўз илмидан баҳраманд этади. «Мажзубларнинг даражалари (манзиллари) бор, улардан баъзилари набийликнинг учдан бирига эгадирлар, баъзилари унинг ярми даражасига эгадирлар, баъзилари эса ярмидан ортиқроқ даражада бўладилар. Шу тариқа ривожланиб бориб, шундай жойга етадики, шундай бир мажзуб пайдо бўлурки, унинг набийликка қиёс этгулик даражаси («хатм») қолган барча мажзублардан ортиқроқдир ва хотам ул-авлиё бўлур ва барча валийнинг улуғи бўлур, бамисоли Мустафо (с.а.в.) анбиёлар хотами ва энг улуғи бўлгани каби...»<sup>3</sup>.

Баҳоуддин Нақшбанддан: «Сизнинг дарवेशлигингиз мерос қолганми ёки ўзингизда пайдо бўлганми» деб сўраганларида, Хожа: «Аллоҳдан келган бир жазба (тортиш кучи) инсу жин амали билан баробардир ҳукми бўйича бу саодатга мушарраф бўлганмиз»<sup>4</sup> деганлар.

Ҳақим ат-Термизий фикрича, мажзублар билан бирга ҳидоят аҳли ҳам валийликка

чоғланадилар. Аммо улар инобат, яъни тавба ва риёзат йўлини танлаган зотлардир. Улар орасидан ҳам мажзубларга тенг келадиган кишилар ёки кейинчалик жазба тегиб, насиба олганлари ҳам бўлади.

Валоятнинг бошланиши шариат амалларини тўқис адо этиш ва унга мувофиқ иш кўришда кўринса-да, лекин валийда набийда бўлгани каби меърож ҳосил бўлмайди. Валоятнинг охирида валийнинг руҳи набийнинг руҳи билан мувофиқ келади, бу валийликнинг охири набийликнинг бошланишидир, чунки набийлар гуноҳлардан пок, муназзаҳ бўлсалар, валийлар гуноҳ иш қилишдан сақланадилар. Аксарият валийлар ўзи билан Аллоҳ ўртасидаги сирларни муҳофаза қилиб, кароматни яшириб, уни риё мақсадида кўрсатмаганлар. Баҳоуддин Нақшбанддан каромат талаб қилганларида: «Барча кароматлар калимаи тавҳид билан йўқ бўлгувчидир. Каромат соҳибларининг барчаси парда остида – ҳижобдадирлар, орифлар эса кўздан узоқдадирлар. Бизнинг каромотимиз зоҳирдур. Бовужуди бу навъ гунаҳ юки ер юзида юра олурбиз. Бизга халқнинг кўнглидаги фикрларидан, ишларидан ва аҳволларидан нимаики зоҳир бўлса, биз ўртада бўлмаймиз. Ё бизга илҳом орқали билдирадилар ёки бирор киши орқали етказиб турадилар»<sup>5</sup>. Ўзгаларнинг кўнглидагини билиб олиш кўзи очиқлик ва англаб олиш фаросат нури орқали бўлиб, «Фа иннаҳу янзуру би нуриллаҳи», яъни валий «Аллоҳ нури орқали боқади»<sup>6</sup>.

**Валийлар фақат истиқомат, яъни фақат яшаш даражасинигина тасарруф эта оладилар. Шунга ишора қилган ҳолда Баҳоуддин Нақшбанд «Кашфу кароматга ишонч йўқ, шундай экан, солиқ фақат истиқомат ишини маҳкам тутсин. Кароматни талаб қилувчи эмас, истиқоматни талаб қилувчи бўлсин, чунки Парваригор сендан истиқоматни талаб қилади, нафсинг эса кароматни»<sup>7</sup> деб, кишиларни убудиятга, бандалик қилишга даъват этганлар.**

Баҳоуддин Нақшбанд валийнинг уч хусусиятини кўрсатган:

Се нишон бувад валийро, ки нахусти у ба маъно,

Ту чу рўйи ў бибини дили ту баду гирояд.

1. Мукотаб – маблағ тўлаб ўзини озод қилишга аҳд қилган қул.

2. Шайх Фаридиддин Аттор. **Тазкират ул-авлиё (форс тилида)**. Бомбай нашри. – Б. 289.

3. Ҳақим ат-Термизий. **Хатм ул-авлиё**. 24-фасл. **Мажзуб**. – Б. 74-75.

4. Мухаммад Боқир. Баҳоуддин Балогардон. – Б. 72.

5. Мухаммад Боқир. Баҳоуддин Балогардон. – Б. 93.

6. Ўша асар. – Б. 91.

7. Ўша асар. – Б. 76.

Дуййум он, ки дар мажолис чу сухан кунад  
зи маъни,

Ҳамаро зи ҳастийи худ ба ҳадис мерабояд.

Сеййум он, бувад ба маъно валийи аҳасси  
олам,

Зи ҳеч узви уро ҳаракоти бад наёяд<sup>1</sup>.

(Авлиёда уч белги бор, билиб олгин, ошно,  
бири шуки, унинг юзи жалб этади ўзига. Иккинчиси  
мажлис аро гапираркан авлиё, ром этади ҳамсуҳбатин  
доимо ўз сўзига. Учинчиси, бул валийнинг ҳамма  
деган улдуғвор, мўътабарлик унга одат, бино қўймас  
ўзига).

Нақшбандия тариқатида валийлик даражаси  
иккига бўлинади: бири муршид тарбиясида, риёзат  
чекиб, қалбини поклаш орқали валийлик даражасига  
етган бўлса, иккинчиси Аллоҳ Ўзи тарбия қилган  
кишилардир. Уларни мажзублар дейилади. Ҳақим  
Термизий жазбага алоҳида аҳамият беради. Унинг  
фикрича, набийларни Аллоҳнинг ўзи танлайди,  
валийларга эса жазба ато этади, яъни Ўзига  
тортади, яқин қилади, Ўз илмидан баҳраманд  
этади. “Мажзубларнинг даражалари (манзиллари)  
бор, улардан баъзилари набийликнинг учдан бирига  
эгадирлар, баъзилари унинг ярми даражасига  
эгадирлар, баъзилари эса ярмидан ортиқроқ  
даражада бўладилар”<sup>2</sup>.

Баҳоуддин Нақшбанддан: “Сизнинг дарвешлигингиз  
мерос қолганми ёки ўзингизда пайдо бўлганми”  
деб сўраганларида, Хожа: “Аллоҳдан келган бир  
жазба (тортиш кучи)

1. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али.  
Баҳоуддин Балогардон / Форсийдан таржима, сўзбоши  
ва луғат муаллифи Маҳмудхон Маҳдум Ҳасанхон Маҳдум  
ўғли. – Т.: Ёзувчи, 1993. 80-бет.

2. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳақим Термизий.  
Хатм ул-авлиё. 24-фасл. Мажзуб. 74-75-бетлар.


инсу жин амали билан баробардир ҳукми бўйича  
бу саодатга мушарраф бўлганмиз”<sup>3</sup> деганлар.

Ҳақим Термизий ақл-заковат ўзлаштира оладиган  
энг олий билим маърифат ва ҳикмат қалбни ёритувчи  
илоҳий нур экани, инсон ўқиб-ўрганиш орали бу  
илмлардан хабардор бўлиши, лекин маърифат Аллоҳ  
ёрлақанган зотларга насиб бўлишини эътироф этган<sup>4</sup>.

Қалб гўзал бўлса, бутун вужуд гўзалдир. Хожа  
Баҳоуддин Нақшбанд суҳбат орқали инсон қалбини  
забт этганки, яхши одамлар билан яхши муносабатда  
бўлиш ҳамманинг қўлидан келади, лекин ёмон  
одамлар билан яхши муносабатда бўлиш ҳар кимнинг  
қўлидан келмайди. Ҳадисда “темир занглагани каби  
юрак ҳам занглайди” дейилган. Темир зангини олов  
бартараф этганидек, қалб зангини ишқ олови  
кеткиза олади. Илоҳий ишқдан фаросат, илм,  
ҳикмат ва маърифат ҳосил бўлади.

3. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али.  
Баҳоуддин Балогардон / Форсийдан таржима, сўзбоши  
ва луғат муаллифи Маҳмудхон Маҳдум Ҳасанхон Маҳдум  
ўғли. – Т.: Ёзувчи, 1993. 72-бет.

4. Термизий ал-Ҳақим / Исломи. Энциклопедия. – Т.:  
ЎзМЭ, 2004. 234-бет.



Дуййум он, ки дар мажолис чу сухан кунад  
зи маъни,

Ҳамаро зи ҳастийи худ ба ҳадис мерабояд.

Сеййум он, бувад ба маъно валийи аҳасси  
олам,

Зи ҳеч узви уро ҳаракоти бад наёяд<sup>1</sup>.

(Авлиёда уч белги бор, билиб олгин, оши-  
но,

Бири шуки, унинг юзи жалб этади ўзига.

Иккинчиси мажлис аро гапираркан авлиё,

Ром этади ҳамсуҳбатин доимо ўз сўзига.

Учинчиси, бул валийнинг ҳамма деган  
улуғвор,

Мўътабарлик унга одат, бино қўймас  
ўзига).

Нақшбандия – хожагон ва яссавия  
ғояларига асосланган бўлиб, «шариат  
билан зоҳирни поклаш», «тариқат билан  
ботинни поклаш», «маърифат билан илоҳий  
маърифатга эришиш» «ҳақиқат билан қурби  
илоҳийга эришиш» каби инсон камолоти  
учун хизмат қиладиган тўрт тамойил асосига  
қурилган.

Баҳоуддин Нақшбанд «аз-зоҳир лил-халқ  
ал-ботин лил Ҳақ», яъни зоҳирда халқ, ботинда  
Ҳақ билан бўлиб, тасаввуфий ҳаёт кечиришга  
чақирган<sup>2</sup>. Хожанинг «даст ба кору дил ба ёр»  
(қўл ишда, кўнгил эса Аллоҳда бўлсин) ҳикма-  
ти инсон маънавий олами такомилли ва жамият  
ривожига катта таъсир кучига эга бўлган.

Нақшбандия тариқатининг ижтимоий,  
дунёвийлик жиҳати унинг илоҳийлик  
жиҳатидан устун<sup>3</sup> бўлиб, Баҳоуддин Нақшбанд  
ва унинг издошлари фақат яхшиликни ўйлаб,  
яхшилик қилишдан чарчамаслик, эзгу хулқ-  
атворга эга бўлиш, муҳтожлар ҳожатини  
чиқариш, пир-устозлар суҳбатидан баҳраманд  
бўлишга чақирганлар.

Валийлар талқинича, ҳар кишиниким,  
машойих ва авлиё суҳбати покиза қилмағай,  
ҳеч панд ила покиза бўлмағай<sup>4</sup>. Хожа Баҳоуд-  
дин Нақшбанд тариқат аҳкомини халқ билан  
суҳбатда бўлиш, уларнинг дардларига шерик  
бўлиш, Аллоҳ розилиги йўлида халққа хиз-  
мат қилиш, қалбни бир лаҳза бўлса ҳам Ал-  
лоҳ зикридан ғафлатда қолдирмай, ҳамшиша

1. Ўша асар. – Б. 80.

2. Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в Исламе / Пер. с  
англ. А.А.Ставиской, под ред. и с предисл. О.Ф. Акимущи-  
кина. – М.: Наука, 1989. – Б. 61.

3. Қаранг. Ориф Усмон. Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг  
таълимоти ҳақида. – Т.: Университет, 1993. – Б. 21.

4. Алишер Навоий. Насоим-ул муҳаббат. – Б. 105.

огоҳ бўлишда деб тушунтирганлар: «бизнинг  
тариқимиз суҳбатдур ва хилватда шуҳратдур  
ва шуҳратда офат. Хайрият жамъиятдадур ва  
жамъият суҳбатда, бу шарт билаки, бир-би-  
рига нафй бўлдулгай<sup>5</sup> дейди, яъни солиқлар  
бир-бирлари билан қанча яқин бўлиб, суҳбат  
қилсалар, кўп яхшилик ва барака бериши,  
Аллоҳга интилиш кўнгил билан амалга ошиши  
кераклигини таъкидлаган.

Валийлик сифати “Аллоҳга эътиқод  
қилиш, Ундан бошқасидан беҳожат бўлиш ва  
қаноат”<sup>6</sup> мужассамидир. Валийлар Аллоҳнинг  
рахматидан озуқаланган, унинг метин  
кўрғонидан ҳимоя топган, паноҳида муҳофаза  
этилган, лутфи билан тарбият топган ва сир-  
асрорига хос қилинган. Шунга кўра, улар  
“ернинг таянчидир”<sup>7</sup>.

Баҳоуддин Нақшбанд валийлар сифати  
ҳақида шундай дейди:

Мо ихтиёри хеш ҳам аз даст додаем,

К-он ихтиёти дўст ҳама ихтиёри мост<sup>8</sup>.

Ҳаким Термизий пир-муршидлик низоми,  
одоб-ахлоқ қоидаларини ишлаб чиққан.  
Тариқат пири мурид ботинини англайган,  
муриднинг ақли, фаҳму фаросатини қалб кўзи  
билан кўрадиган, халққа мададкор бўладиган,  
кучли ирода, сабру қаноат, ҳалоллик, поклик,  
фақрликни шиор қилган, эзгулик учун  
курашувчи, парҳезкор, илоҳий-руҳий қувватга  
эга бўлиши, мурид эса пирнинг айтганларини  
сўзсиз адо этиши, пир ишончини оқлагандан  
сўнг пирга қўл бериши ва тариқатга кириши  
мумкин эди. Баҳоуддин Нақшбанд ҳам  
муршид ҳақида тўхталиб, унинг Қуръон ва  
суннатдан четга чиқмасдан, ботинни поклаш ва  
асосий эътиборни руҳий камолотга қаратиши,  
фақрлик ва тавозеъни ўз ахлоқ қоидасига  
айлантириши лозимлигини эътироф этиб,  
валийнинг уч хусусиятини кўрсатган:

Се нишон бувад валийро, ки нахусти у ба  
маъно,

Ту чу рўйи ў бибини дили ту баду гиroyд.

5. Ўша жойда. – Б. 263.

6. Фаридиддин Аттор. Тазкират ул-авлиё / Мирзо Кенжа-  
бек таржимаси. – Т.: ЎзМЭ, 1997. 77-бет.

7. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳаким Термизий.  
Манозил ул-ибод мин ал-ибода. – Т.: Мовароуннахр, 2003.  
19-бет.

8. Таржимаси: Биз ўз хоҳишимизни қўлдан бой берганмиз.  
Дўстнинг ҳар бир хоҳиши бизнинг хоҳишимиздир.  
Бу ҳақда қаранг: Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн  
Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон / Форсийдан  
таржима, сўзбоши ва луғат муаллифи Маҳмудхон  
Маҳдум Ҳасанхон Маҳдум ўғли. – Т.: Ёзувчи, 1993. 77-бет.